

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 24 июль. Чоршанба №61-62 (922-923) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БУЮК МАҚСАДЛАР БИЛАН ЯШАШ САОДАТИ

Собиқ тузум даврида Ўзбекистон арзон хомашё базасига айлантирилган, бу саховатли заминда етиштирилган турфа маҳсулотларни экспорт қилишдан келадиغان асосий даромад собиқ Марказ бюджетига йўналтирилган эди.



Иқтисодий ривожланиш даражасини бидирадиган ялпи ички маҳсулот ва аҳоли жон бошига истеъмол қилиш каби кўрсаткичлар буйича Ўзбекистон 1989 йилда собиқ иттифоқда энг охириги уринлардан бирида турган. Ўзбекистоннинг миллий даромади эса 1991 йилда иттифоқ буйича ўртача кўрсаткичдан икки баробар, Болтиқбўйи республикаларига нисбатан уч марта паст бўлган.

Шу мисолларнинг ўзидан кўри-

ниб турибдики, халқимиз ночор ҳаётга, оч-юпун яшашга ва барча зарур нарсаларни кимларгадир ялиниб, узоқлардан ташиб келтиришга маҳкум этилган эди. 1990 йилда Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт, сўт ва сўт маҳсулотлари, туҳум, умуман, энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини собиқ иттифоқ аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди. Чунки, уша йили ғаланинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сўт ва сўт маҳсулотларининг қарийб 60 фоизи, картошканинг 50 фоизи, шакар, қуруқ сўт ва болалар озуқаси 100 фоиз четдан келтирилган.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси аниқ-равшан белгилаб олинди. Соҳада амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар туфайли 2010 йилга келиб юртимизда жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 22,6 фоизга ортди, сўт ва сўт маҳсулотлари 30,3 фоиз, сабзавот 2,2 баробар, картошка 1,5 баробар, мева 3,6 баробар удси.

> [2]

«ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ



ЎЗА сурати.

ҲАР БИР БИТИРУВЧИ ЭЪТИБОРДА

Жавоҳир Жўрабоев бу йил Наманган туманидаги 22-умумтаълим мактабининг 9-синфини тамомлади. Мактаб ўқувчилари ўртасидаги фан олимпиадаси вилоят босқичида муваффақиятли қатнашиб, юқори балл тўплагани учун ўзи танлаган лицей ёки коллега имтиҳонсиз кириш имтиёзига эга бўлди.

Наманган давлат университети қошидаги 2-академик лицей маъмурияти Жавоҳирнинг ҳужжатларини мамнунлик билан қабул қилди. Синфдошлари ўртасида биринчилардан бўлиб талабалик мақомига эриш-

ган ўсмир янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрмоқчи.

— Жорий йилги битирувчиларимизнинг қарийб йигирма фоизга яқини Жавоҳирга ухшаб вилоят марказидаги нуфузли академик ли-

цей ва коллежларда ўқишни давом эттиришмоқчи, — дейди мактаб директори Мамлакат Ортиқова. — Уларнинг қолган қисмини ҳам ҳуудимиздаги коллежларга тўлиқ жалб қилиш учун «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигида иш ташкил этмоқдамиз. Ўқув йили сўнгига айнан битирувчиларнинг ўзи билан индивидуал суҳбатлар ўтказилди.

> [4]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

кучли фуқаролик жамияти барпо этиш омилларидан бири

Мамлакатимизда ахборот соҳаси фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиб, унинг эркинлиги ва очиқлигини, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида қатор ҳуқуқий асос ва механизмлар яратилмоқда.

Хусусан, ахборот соҳасини демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ислохотларнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, медиа маконга илгор ахборот-коммуникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Фуқаролар учун ахборот эркинлиги ва очиқлигини таъминлашда

кенг имкониятлар яратилган. Жумладан, мамлакатимизда 1326 та ОАВ фаолият кўрсатаётди. 930 та интернет тармонига уланиш буйича хизмат кўрсатувчи оператор ва провайдерлар, 1045 та интернет-кафе аҳоли хизматида. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 98 фоизи интернет глобал тармонда ўз веб-сайтига эга. Ушбу ҳуқуқий-технологик шароитлар мамлакатимиз ёшларининг дунёқарашини, ҳуқуқий онгини ва маданиятини ривожлантиришда муҳим оми бўлмоқда.

Миллий тараққиётимизнинг бугунги босқичида давлат бошқарувини янада демократлаштириш, олиб борилаётган ислохотларнинг

очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, жамоатчиликнинг, айниқса, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг бошқа вакиллари ахборотта эгаллигини ошириш, бевосита, давлат қурилиши ва ахборот соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш дозарб вазибалардан. Хусусан, Конституцияимиздаги давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқаролар олдига масъуллиги (2-модда), давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга улариинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги нормаларини (30-модда) янада кенгроқ рўйбга чиқаришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

> [2]

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ — 2013»

ЭЗГУЛИК, ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ



ЎЗА сурати.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1997 йилдан буён ҳар икки йилда бир маротаба ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ва тарғиб этишга, турли халқлар, миллатлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, ўзбек миллий мусиқа санъати шухратини янада юксалтиришга муносиб хизмат қилмоқда.

Ушбу халқаро мусиқа фестивали шарқона маъно-мазмунли, бетакрор руҳи ва қиёфаси билан дунёдаги кўплаб бошқа санъат ва мусиқа фестиваларидан ажралиб туради. Яна бир муҳим жиҳати, Шарқ олами ва фалсафасини, бетакрор гўзаллик ва

нафосатни тараннум этиши, инсон қалбининг энг нозик нуқтааларига етиб борадиган куй ва қўшиқларни ифода этиши билан кўпчиликни ўзига мафтун қилмоқда.

> [2]

ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ЧИНАКАМ БАХТЛИ АВЛОД



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Ўзбекистоннинг кўҳна ва ҳамisha навқирон гўшаси — Хоразм воҳасида бўлганимизда ёшларга яратиб берилаётган имкониятларни кўриб беҳад қувондик. Ёшларни бежиз «келажак эгалари» деб эътироф этишмас экан.

Бугунги ўзбек йигит-қизлари нафақат илм-фан, касб-хўна эгаллашда, балки мамлакатда бўлаётган улкан бунёдкорлик ишларида ҳам фаол иштирок этаётганини мамлакатининг барча ҳудудларида учратиш мумкин. Дирингизда ўз меҳнати, гайрати, жонқуяриги билан ибрат бўлаётган ёшлар кўп эканига гувоҳ бўлдик.

Ташрифимиздан асосий мақсад — мустақиллик йилларида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда таълим йўналишида амалга оширилган ишларни таққослаш, ўзаро таъриба алмашишдан иборат эди. Хоразм воҳасидаги касб-хўна коллежлари, академик лицейларда ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратилганини мен қато-

ри шерикларим ҳам эътироф этишди. Ёшларнинг бемалол олиши бизни ҳайратлантирди. Ҳамроҳларим Митзутани Кунико, Киносита Кеничи билан бирга юртингиздаги умумтаълим мактабларининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини билан таъминланганини кўриб ўзбек ёшларига ҳавас қилдик. Ахборот-ресурс марказлари, ички телестудия, радиоузел, спорт зали ва майдонлари, лабораториялар, ишлаб чиқариш устахоналари ўқувчилар ихтиёрида.

Ана шундай замонавий таълим масканларидан бири Хива қишлоқ хўжалик касб-хўна коллежи бизда катта таассурот уйғотди. Мингдан зиёд ўқувчи саккиз йўналиш

буйича касб-хўна ўрганаётган экан. Бу йил коллежни тамомлаган 242 нафар ўқувчи корхона ва фермер хўжалиқларига ишга жойлашибди.

Бизни қувонтирган яна бир муҳим воқеа бу — ушбу коллежнинг бизнинг мамлакат билан яқин ҳамкорлигидир. Хоразмдаги бу коллеж Япония халқаро ҳамкорлик банки — «Jibis»нинг «Ўрта махсус касб-хўна таълимини ривожлантириш» лойиҳаси асосида жиҳозланди. Коллежда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сабзавотлардан шарбатлар тайёрлайдиган цех ишга туширилиши ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин натижасидир.

Коллеж директори Мақсудбек Сафоев, ўқитувчи Султон-

бой Ибодуллаев Япониядаги Миязакки, Аямаси, Тахачико шаҳарларидаги коллежларда малака ошириб қайтди. Улар экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш таърибасини юртингиз йигит-қизларига ҳам ўргатмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистон ёшлари корхоналарда замонавий ускуналарни моҳирона бошқараётдилар.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги таълим ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик изчил давом этаверади. Ўзбек ёшларининг ўз Ватани равнақига қўшаётган ҳиссасидан бошқа давлатларнинг навқирон авлодлари андоза олса арзийди.

Фукута СЭЙДЗИ, Япония Цуру университети профессори.



ЮРТИНГ ОБОД

ДИЛИНГ ОБОД

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Туманимиз таркибиде битта шаҳарча, ўн битта қишлоқ, эллик опти маҳалла мавжуд. Ушбу ҳудудларда 145 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Сўнгги йилларда қишлоқларда саноатнинг ривожланиши натижасида аҳоли бандлигини таъминлаш баросидаги муаммолар бартараф этилиб, базорларини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда.

Ташаббускор тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётгани янада қувонarliдир. Хусусан, Чигатойқалъа қишлоғилик Омонбой Ражабов Миллий банкдан олган 40 млн. сўмлик кредит эвазига Россиядан қолбаса тайёрлайдиган ускуна келтирди. Бугунги кунда мазкур цехда йигирма нафардан зиёд фуқаро иш билан таъминланган. Маҳсулотлар вилоятдаги кўплаб савдо тармоқларига етказиб берилляпти. Шу ерлик яна бир тадбиркор Руслан Ражабов сутни қайта ишлайдиган корхона очди. Ҳозирги кунда корхонада ўн тудан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Нуриддин Бекжонов раҳбарлик қилаётган Қанли қишлоғидаги мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхона маҳсулотлари хорижга ҳам экспорт қилинаётди. «Шовот бўён» агрофирмасида жанубий корейлик ҳамкорлар билан биргаликда бўён ўсимлиги етиштирилиб, дори-дармон тайёрлайдиган хорижий корхоналарга етказиб берилмоқда. Агрофирмада ўтган опти ой ичиде йигирмага яқин янги иш ўрни очилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида ушбу қишлоқда, шунингдек, йилга ўн минг донга мебель тайёрлайдиган, минг тонна темирни қайта ишлаб, металл трубалар ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолият кўрсата бошляпти.

Қатқалъа қишлоғида спорт кийимлари, Икhtiмоният қишлоғида шиша идишларига ихтисослаштирилган корхоналар ишга тушади. Бўйрачи қишлоғида эса ойна ва эшик ромлари тузатадиган, Шовот шаҳарчасида йилга 50 тонна мева-сабзавотни қайта ишлайдиган, Хитой қишлоғида қорамол терисига ишлов берадиган корхоналар халқ пилгини юксалтириш учун хизмат қилади. Бундай саноат корхоналари бошқа қишлоқларда ҳам қад ростляпти. Бу эса маҳаллаларда турмуш лиги, ободлигини таъминлаб, истиқбол берган имкониятлардан янада самарали фойдаланишга йўл очади.

Ўллат СУЛТОНОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Шовот тумани бўлинимаси раиси.

МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ

ОР-НОМУС, ГУРУП ВА БАҒРИКЕНГЛИК ТИМСОЛИ

Истиқлол йилларида миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, ривожлантириш ва дунёга кенг намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Хусусан, миллий курашимиз жаҳоннинг юздан зиёд мамлакатиде халқаро спорт тури сифатида оммалашмоқда, мазкур спорт тури буйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари ўтказилиб келинаётди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун Шахрисабзда Амир Темури Термиз шаҳрида Ҳақим ат-Термизий хотирасига бағишлаб халқаро турнирлар ташкил этилди.

Бундай нуфузли халқаро турнирларда майдонга тушаётган полвонлар эса дастлаб «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ташаббуси билан ўтказилиб келинаётган «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаларида обдон чиниқмоқда, десак муболага бўлмайди.

Бир неча йилдан буён мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган «Маҳалламиз паҳлавонлари» спорт мусобақаларининг ўтган йилги баҳсларини бир эслайлик. Мусобақаларнинг туман ва шаҳар босқичида 140 минг нафарга яқин ўғил-қизлар иштирок этганди. Улардан 6212 нафарини кам таъминланган оила фарзандлари, 631 нафарини эса тарбияси оғир ёшлар ташкил қилган. Бу ор-номус, гурупу, ватанпарварлик, бағрикенглик, матонат ва садоқат ифодаси бўлган ўзбек кураши давраларининг тобора кенгайиб бораётганини кўрсатади.

> [8]

МАХАЛЛА ТИЗИМИДА КИМЛАР ИШЛАЙДИ?

ФАОЛИЯТ ВА ТАЖРИБАСИ ЭЪТИРОФГА САЗОВОР



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Шаҳодат Ёкубова Гулистон шаҳридаги билимли, тажрибали, одамлар кўнглига йўл топа оладиган маҳалла маслаҳатчиларидан саналади. Мана, уч йилдирки, у «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» куриктанловиди фаол қатнашиб, шаҳар босқичида голиблар сафидан ўрин эгаллаб келаётди. Унинг фаолияти бир неча бор муносиб тақдирланган, тажрибалари оммалаштирилган.

— Шаҳодат асли — ўқитувчи, — дейди Гулистон шаҳар Т.Аҳмедов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гул-

ишини аёло даражада уйдатилади билан барчага ибрат бўлаётди.

Маслаҳатчи сифатида у аҳолининг тўй ва маъракаларида доимо бош-қош. Баъзида аёллар ўртасида ҳали уйдуга айланиб улгурмаган янгича одатларга, маҳалла ҳудудидаги «хотин оши» ва «қиз базми» каби анъаналарга барҳам беришда шахсий ибрат курсатаётди.

— Маҳалламизда яшовчи Хадича исми аёлининг тўй

қилаётганини эшитиб қолдим, — дейди Ш.Ёкубова. — Маҳалла раиси, Яраштириш комиссияси аъзолари ва маҳалламизнинг бошқа фаоллари билан Хадича опанинг хонадонига бордик. Маслаҳатлашиш асносидаги суҳбатда «наҳор оши», «хотин оши», «қиз базми»ни ўтказиш нияти борлигини айтиди. Бу гапларни эшитиб, унга «эл оши»га «хотин оши» билан «қиз базми»ни қўшиши маслаҳатини бердик. Тўй эгаси гапимизни ерда қолдирмади. Кейинроқ у вақт ва маблағ тежалганини, барча қариндош-уруғларининг миннатдорлигини айтиди.

Ш. Ёкубова чет элга ишга кетган шахсларнинг оиласи билан учрашиб, уларнинг соғлиги, муаммолари билан қизиқади. Хориждан қайтган фуқароларнинг тиббий куриқдан ўтишини доимий эслатиб, уларнинг саломатлиги нафақат ўзига, балки оиласига, жамиятга кераклигини айтишдан чарчамайди.

— Маҳалламизда 1696 та оила яшайди, — дейди мазкур йиғиннинг масъул котиби Дилдор Холатова. — Шундан 25 таси кам таъминланган оилалар. Илгари бу курсатки 95 тани ташкил этарди. Маҳалламиз маслаҳатчиси Ш. Ёкубованинг аҳоли ўртасида ўтказган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот

Тошпўлат ХАЙИТБОЕВ «Mahalla»

ЁН ҚЎШНИ — ЖОН ҚЎШНИ

ДИЛ ГИНАСИ ЭЗГУ АМАЛ БИЛАН АРИЙДИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Гулноза қўшнисидан қаттиқ ранжиди. Нима бўлганда ҳам у ўғил уйлантириб, қиз чиқарадиган ёшдаги аёлдан бундай муносабатни кутмаганди.

Бир неча кундан бери қўшни аёлининг қизи ҳовли ва кучани су-пураётди, чиқиндиларни ҳамсоялар дарвозасининг олдига ташларди. Гулноза шунга эътироз билдирдию балога қолди. Унинг гаплари қиз қолиб онасига таъсир қилди, шекилли, аёл тилига ниҳоятда эрк бериб юборди. Ҳатто «чиқиндини хоҳлаган жойга ташлайман, ёқмаётган бўлса, кучиб кет», дейишгача борди.

Ёшлигидан беҳуда баҳсларни ёқтирмаган Гулноза бу гапларга индамай қўя қолди. Лекин кўнгли ниҳоятда оғриди. Ахир у фақат ўзининг эмас, қўшнисининг ҳам фойдасини уйлаб гапирганди.

Тақдирни қарангки, шу куннинг ўзида унинг эшигини бир аёл тақиллатди. У ўғил уйлантириш ниятида юрганни, бўлажак қанда Гулнозага қўшни эканини айтиди. Кўнгли аламга тўлиб турган бўлсада, Гулноза қўшни қиз ҳақида яхши гаплар айтишга ўзида куч топа олди.

Тез орада тўй ҳам бўлиб ўтди. Ҳар бир уйлантириш нияти аёл олдиги оdatларини ташлади. Қилган ишлари ва айтган сўзлари учун ўз сурамаган бўлсада, ҳар ҳолда муомаласидаги терслик ўрнини ширинсуханлик эгаллади.

Ҳа, қўни-қўшнилар билан яхши муносабатда бўлишни истаган киши гоҳида ўз кўнглига қарши бориб, шундай бағрикенглик қилиши мумкин. Ана шунда ёмонлик қилганлари ҳам уялтиришга, улардаги яхши фазилатларни уйғотишга муваффақ бўлади.

Олмазор туманидаги «Қорасарой» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Нафиса Эргашева билан шу ва бошқа ҳаётий

Элбек ЖУМАНОВ «Mahalla»

ОДАМ САВДОСИ — ОЛАМ ҒАВҒОСИ

Залворли вазифага эътибор катта

Конимех тумани Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида туман ИИБ ҳамда прокуратураси билан ҳамкорликда одам савдосига қарши курашни самарадорлигини янада оширишга бағишланган амалий анжуман бўлиб ўтди.

«Камолот» ЁИХ, тиббиёт бир-лашмаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан тўлиқ бўлиб, масидан вакиллари иштирок этган тадбирда трансмиллий жиноят тури сифатида қаралаётган одам савдосидан азият чекаётган минг-миңлаб инсонларнинг аянчали тақдирини хусусида сўз борди. Маърузачилар ҳар бир давлат ўз фуқароларини чет элларда ишга жойлаштириш-

нинг ҳуқуқий тартибга солувичи механизмига эгаллиги ва бу ўз навбатида аҳолининг бандлиги тўғрисидаги миллий қонунлар билан тартибга солинганини таъкидлади.

Бу борадаги тарғибот ишларида, айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг вазифалари залворли эканига эътибор қаратилади.

Мухбиримиз.

ОБОД КЎЧА ЭГАЛАРИ

САРИШТАЛИК ИБРАТ ВА ТАШАББУСДАН



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Ўн-ўн икки ёшлар чамасидаги олти-етти нафар ўсмир кеч тушиши билан одатдагидек ўзлари яшайдиган кўпқаватли уй атрофида барпо этилган болалар майдончасига тўпланишди.

Улар бир-бирларига ёзги таълини қандай ўтказётгани ҳақида гапира туриб, қўллариди музқаймоқ ёрлиги ҳамда pista пучоқларини сал наридаги махсус идишларга ташлаш ўрнига дуч келган тарафга отадилади.

Ишдан қайтаётган Чоштепа кўчаси бошлиғи Мунира Умарова болаларнинг бу хатти-ҳаракатларини бироқ кузатиб турди-да, дарҳол уларга танбех берди:

— Бу нимаси?! Ахир, кўчамизнинг обод бўлишида ота-оналарнингиз ва қўни-қўшниларингизнинг меҳнатлари синган-ку...

Ҳа, бутунги кунда маҳаллалар ободлигини таъминлаш, ҳудудларни тоза-озода сақлашда фуқаролар йиғинларига яқиндан ёрдам бериб келаётган кўча бошлиқларининг фаолияти таҳсинга сазовор.

Пойтахтимизнинг Сергели тумани «Чоштепа» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари кўча, уй ва йўлак бошлиқлари билан ҳамкорликда ҳудудни ободлаштириш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, кўпқаватли уйлارнинг одаи ва том қисми, кўчаларни тубдан таъмирлаш, атроф-муҳитни тозалаш, ўзбошимчилик билан куриб ташланган гаражларни олдириб, уларнинг ўрнида замонавий куринишдаги автомобиль сақлаш жойлари ҳамда болалар майдончалари ташкил этилмоқда.

— Маҳалламиздаги 5 та кўчада 5200 нафар аҳоли

таққамлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу уларга атрофдаги олам билан яқиндан танишишда, мулоқотга киришишида ўзига бўлган ишончининг ортисида муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллаларда барпо этилаётган спорт объектиларининг лойиҳаларида югуриш йўлаклари, футбол майдони, душ, кийиниш хоналари, спорт анжомлари — велосипед, гидроракли конькиларни ижарага бериш шохобчалари курилиши кўзда тутилган.

— Маҳалламизнинг Чоштепа 8-тор кўчасида курилиши режалаштирилган майдончалардаги барча анжомлар болаларнинг ёши ва қизиқиши ҳамда санитария ва хавфсизлик талабларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилди, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилфўза Тиллаҳужаева. — Тошкент шаҳар архитектура ва курилиш бош бошқармаси томонидан болалар майдончаларини бир неча лойиҳа асосида барпо этиш мўлжалланган.

Масалан, халқали нарвонлар ва тўсинлар, «Дустлик», «Мойчечак», «Қалъа» туркумидаги арчимчоқлар, «Скат» сирпанчиқлари, уриқдиқлар, қўзиқорин шаклидаги шийпончалар, қумдонлар, фаввораларни ўз ичига олган майдончалар нисбатан аҳоли зич яшайдиган уйлар яқинида, кенг ва очиқ жойларда бунёд этилади. Уларнинг автомобиль йўллари ва тўхташ жойларидан узоқ бўлишига алоҳида эътибор қаратилаётди. Бунда ҳам кўча бошлиқлари жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Дарвоқе, маҳаллаларда болалар майдончаларининг барпо этилаётгани ҳудуд кўрқига қўрқ қўшиши билан бирга, йиғин аҳоли фарзандларининг мароқли ҳордиқ чиқариши ҳамда кўчалар озодлигини сақлашда муҳим омил бўляпти.

...Бугун М.Умарова утган кунни қурган воқеанинг бутунлай аксига гувоҳ бўлди: кўча саранжом-сариниша, маҳалла болаларидан турт нафари теннис уйнамоқда, қолганлари эса шахмат доналарини суришяпти. «Бу бошқа гап», дея мамнун кўнглидан ўтказди кўча бошлиғи.

Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

ИМКОНИАТ

Иқтидорлилар танлови давом этмоқда

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари томонидан ўтказиб келинаётган Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурига аризаларни қабул қилиш жараёни давом этмоқда.

Мазкур дастурдан қўзланган мақсад билимли, интилувчан ёшларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ва янги марраларга етаклашишга қўмаклашишдан иборат. Ушбу танловда олий ўқув юрталарининг биринчи, иккинчи ва учинчи босқич талабалари иштирок этиши мумкин.

Танловдан муваффақиятли утган талабаларга бир йил мобайнида қўшимча стипендия тўланади. Стипендия тўловини кейинги йилларга ҳам узайтириш имкони бор. Бундан ташқари, улар мажорат дарслари ва тренингларда иштирок этишлари, Фонд Форум ва ҳамкор ташкилотларнинг турли тадбирларида қатнашишлари мумкин.

— Жамғармалар ҳамкорлигида ташкил этилган дастурда голиб бўлганидан сўнг, йилдан-янгини имкониятлар эшиги очилди, — дейди танловнинг ўтган йили голиби, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси Дилафруз

Ғофурова. — Устозларимнинг менга бўлган ишончи ортди, дўстларим сафи кенгайди. Маҳалламиз ёшлари билан тадбирларда янги лойиҳалар тузиб, тақдим этдик. Ташаббусларимизни амалга оширишда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари бизни қўллаб-қувватламоқда.

2006 йилдан буён мазкур лойиҳада 720 нафарга яқин иқтидорли ёшлар голиб бўлган. 207 нафар талабага стипендия тўлаш мурддуги узайтириб берилди.

Мухтасар айтганда, келажак эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юртимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсатининг ажралмас қисмига айланган. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари ҳамкорлигида бу борада олиб борилаётган ибратли ишлар таҳсинга сазовор.

Дилдора ҚАРШИБОЕВА.



Ў.А. сурати.

ДАВРА СУҲБАТИ

Истиқболли лойиҳалар ижтимоий масъулиятни оширади

«Меҳр нури» жамғармаси ҳамда «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми», Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида вилоятларда «Жойларда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболлари» мавзусида давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Бундан қўзланган мақсад тадбиркорликни йўлга қўйиш истагидаги хотин-қизларга ташкилий ва моддий жиҳатдан қўмаклашиш, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтган ана шундай давра суҳбатини вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Анора Бобо-

муродова олиб борди.

Тадбирда савдо-саноат палатаси ва солиқ идораси ходимлари ҳам иштирок этишди. Унда «Меҳр нури» жамғармаси фаолиятининг мақсад ва вазифалари, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми» ахборот марказларининг фаолият дастури, шунингдек, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ҳамда тадбиркорлик субъектларига берилаётган солиқ

ёрлайман, — дейди карманалик Феруза Эшмуродова. — Грант соҳибаси бўлсам, фаолиятимни янада кенгайтириб, савдо дўконларига ҳам торг, пирог ва турли хил қандолат маҳсулотлари тайёрлаб топширмоқчиман. Мақсадим — элимиз дастурхонини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирди.

Шунингдек, тақдиротда Озода Хидирова, Дилбар Расулова, Зебиниса Шокирова ва Феруза Кенжаева ҳам ўз бизнес лойиҳаларини шарҳлаб беришди. Уларнинг лойиҳаси ҳақамалар ҳайати томонидан урганилиб, шу асосда грант маблағлари ажратилади.

Холбиби САҒАРОВА «Mahalla»

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

ҚОНУНИ БИЛГАННИ ХОТИРИ ЖАМ БЎЛАДИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Акроннинг оиласидагилари уни коллежда ўқишдан новвойхонада отасига ёрдам беришини маъқул кўришди. Бундан хабар топган маҳалла раиси ва фаоллари уларнинг уйлга тартиф буюришди.

Мазкур хатти-ҳаракат «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» бандларига зид эканини тушунтириб, агар бола ўқини давом эттирмаса, ота-онаси маъмурий жавобгарликка тортилишини уқтиришди.

Олазор туманидаги Шуҳрат номидаги маҳалла фаоллари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида қатор самарали ишларни амалга оширмоқда.

— Қонунни билган кам бўлмайди, — дейди йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъмура Абдураҳмонова. — Юртимизда ишлаб чиқилган ҳуқуқий нормалар аввало, инсон манфаатлари учун хизмат қилади. Тадбирчимиз ҳам шу гоғни кишилар онига синдириш, дунёқарашини кенгайтиришга қаратилган. Узоқ йиллар ҳуқуқшунос бўлиб ишлаганим боис аҳоли билан мулоқотга киришиш қийинчилик туғдирмапти. Қолаверса, Фонд томонидан керакли қўлланма ҳамда адабиётлар тақдим этилгани вазирамизни янада енгилаштирмоқда. Тарғибот ишлари самарасида аҳоли ўртасида қонунобузилиш, ҳуқуқлари камситилиш ҳолатлари деярли учрамади.

Маълумки, юртимизда баркамол авлод тарбияси устувор вазифалар ирасига киради. Ёшларни ҳар томонлама етуқ бўлиб улағиши учун оилалар, таълим

зилгани, белгиланган нархдан қимматроқ сотилаётгани ёки харидорга кўпол муносабатда бўлиш ҳолатлари юзасидан шикоятлар кеиб тушади. Шунингдек, мерос, мулк масалалари, ажрим, коммунал хизматдаги камчиликлар юзасидан норозиликлар учрайди. Бундай пайтда йигин ҳузуридаги Маърифат ва маънавий масалалари бўйича, Яраштириш ҳамда Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар аъзолари билан бирга қонунда белгиланган нормалар асосида сотувчи ҳамда харидорга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирамади.

Йигин ҳақида дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган муаммолар — диний экстремизм ва терроризм, гиёҳвандлик, одам савдосига қарши курашиш, бу йўлдаги қонунчилик билан аҳолини яқиндан табиштириш борасида ҳам кенг миқёсда иш олиб борилапти. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, Жиноят кодексининг 135-моддасида мазкур жиноятга жазонинг қучайтирилгани тўғрисида тарғибот тадбирлари ўтказилапти. Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонуни юзасидан ҳам қатор учрашув ва мулоқотлар ташкил этилмоқда. Кейинги вақтларда бундай нохуш жиноятлар қучайтирилгани аҳолининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаётганидан далолатдир.

Баҳоидир ХАЛИМОВ «Mahalla»

АСКАРДАН МАКТУБ КЕЛДИ

ҲУШЁРЛИК ҲАР КУНГИ ОДАТ ВА ҚОИДАГА АЙЛАНГАН

Каттакўрғон туманидаги Янгикўрғонча қишлоғида туғилган Сардор Йўлдошев ота-онаси Холмурод Йўлдошев ва Шодмоной Болиевадан муносиб тарбия олиб, вояга етди.

Фарзандларини келажакда эл қорига ярайдиган, мард, улғайтирган бу муносиб инсонлар Сардоржонни йигитлик бурчини уташ учун Куроли Кучлар сафига оқ фотиҳа билан кузатишди.

Ҳарбий қисмда Ватан ҳимоячиларининг ҳарбий қасамё қабул қилишига бағишланган ўтказилган тадбирда иштирок этган Холмурод Йўлдошев аскар ўғлини қўриб, ҳаяжонланди. Тантанали маросимда қалби гурурга тўлган отанинг хаёлидан олис ва совуқ ўлкаларда хизмат қилган аскарлик даврлари ўтди. Мустақил мамлакатнинг тобора тақомиллашаётган қудратли армияси сафига қўшилган ўғлига ҳаваси келди...

Оддий аскар Сардор Йўлдошев йигитлик бурчини утаётган ҳарбий қисм аскарлари зиммасига тегишли бўйруқ ва кўргазмали йўриқномага асосан республикамиз моддий бойликларининг ҳимоясида қўриқлаш қўмитаси масъуллиари томонидан имзоланган миннатдорлик хати Каттакўрғон шаҳар муҳофазат ишлари бўлимига юборилди.

Йигин фаоллари маҳаллада учрашув ташкил этишди. Сардоржоннинг ота-онаси, яқинлари, дўст-биродарлари қатнашган тадбирда миннатдорлик мактуби ўқиб эшиттирилди. Оддий аскарнинг Ватан олдидаги ҳарбий бурчга садоқати, давлат чегараларини ҳимоя қилишда кўрсатган жасорати ва намунали ҳарбий интизоми учун ота-онасига билдирилган миннатдорлик ҳар бир ёшнинг юрагига юрт қадри, шаъни ва шавкатини ҳимоя қилиш, жасорат ва мардлик оловини ёқди.

Оддий аскар С.Йўлдошев хизмат бурчини адо этишда кўрсатган ҳушёрлиги ва сергакилиги боис муносиб тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳарфсизлик хизмати давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси масъуллиари томонидан имзоланган миннатдорлик хати Каттакўрғон шаҳар муҳофазат ишлари бўлимига юборилди.

Йигин фаоллари маҳаллада учрашув ташкил этишди. Сардоржоннинг ота-онаси, яқинлари, дўст-биродарлари қатнашган тадбирда миннатдорлик мактуби ўқиб эшиттирилди. Оддий аскарнинг Ватан олдидаги ҳарбий бурчга садоқати, давлат чегараларини ҳимоя қилишда кўрсатган жасорати ва намунали ҳарбий интизоми учун ота-онасига билдирилган миннатдорлик ҳар бир ёшнинг юрагига юрт қадри, шаъни ва шавкатини ҳимоя қилиш, жасорат ва мардлик оловини ёқди.



ЎЗА сурати.

— Миннатдорлик хати нафақат оиламиз аъзолари, балки фуқаролар йигини ҳақида истиқомат қилаётган кексаё ёшнинг қалбини қувонч ва гурурга тўлдирди, — дейди Янгикўрғонча қишлоқ фуқаролар йигини раиси, Сардоржоннинг ота-онаси Холмурод Йўлдошев. — Тадбир давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар ёшларда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялайди, албатта. Қисқаси, сарҳадлар дах-

сизлиги, юрт осойишталиги йўлида камарбаста бўлган йигитларнинг жасорати бошқаларга ибрат, ота-оналарга гурур, элга осойишталик бахш этади. Республикамиз маҳаллалари бўйлаб бундай тадбирларнинг кўп-лаб ўтказилаётгани мустақил Ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари етишиб чиқатганидан далолатдир.

Ғайрат ШУКУРОВ, журналист.



Бухоро шаҳрида жорий йилда иш бошлаган «Бухоро Шер Пласт Сервис» масъулияти чекланган жамияти пластик профиллар ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришига ихтисослашган.

Корхона Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Бухоро шаҳар бўлими томонидан ажратилган кредит эвазига замонавий технология билан

жиҳозланган. Шу йилнинг учинчи чорагидан тўлиқ қувват билан ишлайдиган корхонада бир қунда тўққиз минг метр профил ва бутловчи қисмлар тайёрланади.

Суратда: «Б-Бухоро Шер Пласт Сервис» масъулияти чекланган жамияти ишчиси ИХТИЁР РАҲИМОВ.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.



Зилзила рўй берди

Хитойнинг марказий қисмида содир бўлган зилзила оқибатида 22 киши ҳаётдан кўз юмди, 270 нафар киши турли даражадаги жароҳат билан шифохонага ётқизилди.



Зилзила маркази Ганьсу вилоятида экани аниқланди. У 20 километр чуқурликда ҳосил бўлган. Ер ости силканишидан жуда кўп аҳоли пункти вайронга айланган. Маҳаллий ҳукумат вакилларининг сўзларига кўра, ҳозирги пайтда қўтқарув ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Унга маҳаллий қўтқарув хизматлари билан бирга аҳоли ҳам кенг жалб қилинган.

Банкрот деб эълон қилинди

Детройт маъмурияти шаҳарнинг банкрот бўлгани ҳақида расман эълон қилди. Бу АҚШ тарихидаги энг йирик банкротлик ҳисобланади.



ҳар учун тиккан ҳар бир долларига арзимасган цент олади. Ишчи-хизматчилар эса пенсия ва сугурта тўловларининг атиги 10 фоиздан фойдаланишлари мумкин.

Детройт айна дамба жуда мураккаб инқироз ҳолатида. 2000 йилдан бери аҳолисининг чорак қисми қисқариб, 700 минг нафарга тушиб қолган. Бундан 60 йил олдин шаҳарда 2 миллиондан ортиқ киши истиқомат қилар эди.

Ҳозирда шаҳардаги 40 мингга яқин уйлар ва объектлар эгасиз ётибди. Аҳолининг 36 фоиз қашшоқликда кун кечирмоқда.

Шаҳарнинг банкрот бўлишига кредиторлар билан келишмагани ва июнь ойда 40 миллион долларлик қарзнинг дефолтига йўл қўйилгани сабаб бўлди. Эндиликда кўпчилик кредиторлар ша-

СЕМИНАР

ИНСОН ҲАЁТИ ВА ҚАДРИ ДАҲЛСИЗДИР

Инсонпарварлик, бегаразлик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрлик, бирлик ва умумийлик. Ана шундай тамойиллар асосида фаолият юритувчи Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро ҳаракати ташкил этилганига бу йил 150 йил тўлди.

Бир ярим асрди, мазкур ҳаракат «инсоннинг ҳаёти ва қадр-қиммати даҳлсиздир», деган гоғяга таяниб, сайёрамизнинг қуролини тўқнашувлар ва табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларига инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатмоқда.

Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Кўмитаси аъзоси — Ўзе-

катимизда аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш, бегараз до-норлик ҳамда халқаро гуманитар ҳуқуқ тарғиботи, қидирув, меҳр-шафқат хизмати вазифаларини бажармоқда.

Жорий йилнинг 15-18 июль кунлари Тошкент вилоятининг Бўстониқ туманидаги «Хўжақент» оромгоҳида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти ҳамда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Кўмитасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 150 йиллик юбилейга бағишлаб

ОАВ ходимлари учун «Фуқаролик жамиятининг гуманитар ва ҳуқуқий асослари ривожланишида Ўзбекистон ҚЯО Жамиятининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан журналистлар ва миллий Жамиятнинг ҳудудий ташкилотлари вакиллари иштирок этидилар.

Семинарда сузга чиққанлар Халқаро ҳаракат фаолияти, эмблемаларини қўлаш тартиби ва халқаро инсонпарварлик ҳуқуқий

Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ МАҲАЛЛА КЎМАГИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Профилактика инспекторлари жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ўз маъмурий ҳудудида барча фуқаролар, айниқса, жиноят содир этишга мойил, муқаддам судланган, маъмурий назоратда турувчи шахслар билан тарбиявий профилактик ишларни ташкил этувчи асосий субъектлардан.

Улар нафақат маъмурий назорат ўрнатилган шахсларга нисбатан назорат-тектирув ва тарбиявий мазмундаги профилактик тадбирларни амалга оширадилар, балки маъмурий ҳудуддаги барча фуқароларга умуммажбурий қондаларга риоя қилишларини назорат қиладилар. Бу ўринда профилактика инспекторларининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси

сардорлари билан ўзаро ҳамкорликда маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлиги, оилалар осойишталиги ва аҳоли лиги йўлида амалга ошираётган ишлари алақачон ижобий натижа-лар туҳфа этаётди. Қолаверса, фуқаролар йигинлари қошида фаолият юритаётган тегишли комиссиялар аъзоларининг ҳам ўз низомидан келиб чиқиб, турли масалаларни ҳал этаётгани

ҳуқуқ-тартибот идоралари ишини осонлаштиряпти.

Маъмурий назоратни таъминлашда профилактика инспекторлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига ва айнан маъмурий назоратни тартибга солувчи қонулар, қонун-ости меъёрий ҳужжатларга асосан фаолият юритаётди. Академияда таъсил олиш жараёнида амин бўлдики, маъмурий назорат бир неча марта судланган, жазони ўташ пайтида тузалиш йўлига кирмаган, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшаб чиққандан кейин ҳам жиноий фаолиятини давом эттириши мўлжаллаётган ва жамиятга зид турмуш кечирувчи шахсларга Ўзбекис-

тон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Жазони ижро этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонунида белгиланган асослар бўлган, яъни маъмурий назорат қонуни таъсирига тушувчи шахсларга нисбатан тайинланади ва бу профилактика инспекторидан катта масъулият талаб этади.

Профилактика инспекторлари маъмурий назорат ўрнатилган шахсининг хатти-ҳаракатларига, уларнинг кишиларга зиён келтирувчи ишларни давом эттирмаслигига, жамиятга ўз ўрнини топишига кўмаклашади. Бу эса ўз навбатида, маҳалла-

Бунёд УТАЕВ, Ички ишлар вазирлиги академияси битирувчиси.

Янги рекорд ўрнатилди

Дублин шаҳрида ўтказилган «Riverdance» номи машҳур томошада ирландча рақси бир вақтнинг ўзида 2 мингдан ортиқ киши ижро этиб, Гиннес рекордлар китобиغا кирди.



Рекордни ўрнатишда дунёнинг 44 мамлакатидан 163 та рақс мактаби вакиллари иштирок этишди.

Гиннес рекордлар китобининг қондаси бўйича, иштирокчилар беш дақиқа давомида битта тизимда бир хил ҳаракатни амалга оширишлари зарур.

Тарихда қолишни истанганлар шу қадар кўп йилгидики, улар Дублиннинг Лиффи дарёси устидаги кўприкда саф тортишди.

Интернет маълумотлари асосида Нилуфар ЮНУСОВА тайёрлади.

ЭРТА ТУРМУШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

ҚИЗИНГИЗНИНГ БАХТИ УЧУН ҚАЙГУРСАНГИЗ ГАР...



Бирин-кетин уч қизининг бўйи етаётганини сезган Назокат уларни тезроқ «эгаси»га топшириш ҳаракатига тушиб қолди. У остонасида совчиларни кўришни истаганидан тўй-тантаналарда қизлари қўлидан ҳамма ишини олганини кўпириб мақтар, жойи чиқса, узатиб юборишни таъкидларди.

Гуё шундай қилмас қизлари «ўтириб» қоладигандек. Шо-шаётган аёл ҳатто эри Турсуналининг: «Ақли, одобли қизларим борлиги бос мен ўғлим йўқлигини сира ўқинмайман. Худо хоҳаса, учаласини ҳам ўқитаман, шартнома пулини тўлаб бўлса-да, олий маълумотли қилсам», деган орзусини ҳам инобатга олмайди. Тунгичлари Зумрад коллежнинг биринчи курсида ўқиётган пайтда қўшни қишлоқдаги бой хонадоннинг кенжатоғи ўғлидан унга совчи келди. Ужар она «биринчи бахт эшигини фаришта очади, қайтармаслик керак», деб туриб олди. Қизини ҳам алдаб-сулдаб йўлга солиди ва совчиларга рад жавобини бермоқчи бўлиб турган отага: «Қизингиз

ди. Бўйрак хасталиги бос қўлоқлари шишиб кетган келинчақнинг ўзи ҳам вазиятни сезганди. Аммо қайнонасининг: «Бир болани ҳам эплаб, саришта қилолмадингиз, кенжатоғининг зурриедини кураман, деб кўзим тўрт бўлди» деган танаданошомидан сўнг врачларнинг ҳомилдорликни тўхтатиб, ўзи даволаниш кераклиги ҳақида огоҳлантиришларига парво қилмади. Хавотирланиб, уйига излаб келган шифокорлардан яширинди. Қайнонаси ва эри ҳам унинг шифокорлар назоратида бўлиши лозимлигини эсдан чиқаришди. Зумрадининг сим-сим оғриб юрган беидаги дарди кучайиб, юрмоли қолганида эса «Тез ёрдам»га кўнгирок қилишди...

Хуллас, бечора аёл дунёга келмаёқ нобуд бўлган боласи билан бирга она бўлиш бахтидан ҳам жудо бўлди. Уни операция қилган врач фақат шу йўл билангина ҳаётини сақлаб қолади, хоҳол. «Мен фарзанд кўролмасам, сиз ҳам тирноққа зор ўтманг. Жавобини беринг, кетаман!» Эр ва қайнона унинг йўлини тўсишмади. Тенгдошлари оилаю рўзгор ташвиши нималигини билмай, уйнаб-куйиб юрган бир пайтда ҳали 20 ёшга тулмаган Зумрад бевага айланди... — Афсуски, бу маҳалладошларимиз учун ҳам, биз учун ҳам аччиқ сабоқ бўлди, — дейди Навбахор туманидаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ноиля Хасанова. — Шукрки, кейинги йилларда ҳудудимизда қизларни эрта турмушга узатиш ҳолатлари учрамайпти. Бунинг учун «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини кўчайтирган ҳолда, «Камолот» ЕИХ туман кенгаши, хотин-қизлар кўмитаси, туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда ФХД бўлими

билан ҳамкорликда тарғибот ишлари олиб боряпмиз. Дарҳақиқат, айни пайтда маҳалла фуқаролар йиғинларида эрта турмуш ва қариндошлар уртасидаги никоҳнинг олдини олиш, ёшларни, айниқса, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида мунтазам равишда маънавий-маърифий тадбирлар, ўрашув-мулоқотлар уюштирилляпти. Шунингдек, «Ота-оналар университети» фаолияти йўлга қўйилиб, «Ораста қизлар» тўтараклари ташкил этилган. Улар ҳам оилалар мустақамлигини таъминлаш, ёшларни турмушга тайёрлаш ҳамда юқоридеги каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида изчил ишлар амалга оширилмақда. — 2013 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, — дейди Навбахор туман ФХД бўлими мудири Дилобар Пардаева. — Унга қўра, никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиб энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ота-она ёки уларнинг урини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш эса энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима тўлашга олиб келади. Баъзида диний идора вакилининг расмий никоҳдан ўтмаган жуфтликка шаърий никоҳ ўқиди ҳоллари ҳам учрайди. Эндиликда ана шу камчиликка йўл қўйганлар энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирми бараваригача миқдорда жарима тўлайдилар. Бундай ҳолатлар ҳатто жиний оқибатларга ҳам олиб келади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритилган қўшимчага му-

вофик, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришиб, бундай ҳолат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади. Ота-она ёки уларнинг урини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни турмушга узатиш ёхуд уйлантириш, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ жазосига сабаб бўлади. Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун маъмурий жазо олган шахс яна шу ҳолини содир этса, у энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. Жиноят ҳамда Маъмурий кодексларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилганидан сўнг, бунинг моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида Навойи вилояти адлия бошқармаси ходимлари иштирокида ўрашувлар ўтказилди. Ҳуқуқшуносларнинг қўнуначиликдаги янгиликлар мақсад-моҳиятини тушунириб беришга кўпгина салбий ҳолатларга чек қўйди. Ҳатто тадбир давомида ҳуқуқшуноса келиб: «Раҳмат сизларга, қизимни коллежини тутатганина узатман» деганлар ҳам бўлди.

Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

РАМАЗОН ҲИКМАТЛАРИ САВОБ ИШНИНГ МУКОФОТИ САМИМИЙЛИҚДИР



Л.МЕЙЛИКОВ олган сурат.

Юртимизда асрлар оша башариятни ҳидоятга чорлаб, ўзининг бетакрор йўл-йўриқлари — инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик, эзгулик, хайр-саховат каби олижаноб фазилатлари билан дунёни нурга тўлдириб келаятган ислом динининг барча арконлари истиқлол шарофати билан эмин-эркин адо этилаёттир.

Ислом дини Президентимиз Ислом Каримовнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» рисоласида таъкидланганидек, бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди. Ойлар султони — Рамазон мўмин-мусулмонларнинг рўҳан покланиб, маънан юксалишлари учун қулай фурсатдир. Юртимизда Рамазон ойи ҳар йили кўтаринки рўҳда ўтказилади. Бу муқаддас ойда қилинган хайрли ишларга бошқа ойдагиларга нисбатан кўп савоблар ёзилади. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Умнатларим ҳар қайси ойда қилган бир яхши, солиҳ амал учун бир савоб олади. Аммо Рамазонда битта эзгу амал учун ўндан то етти юзгача ва ўндан ҳам зиёда қилиб берилади. Фарз ибодатларининг биттиси учун бошқа ойларида бажарган етмиш фарзнинг савоби, нафллари учун эса бошқа ойларида бажарган фарзнинг савоби берилади. Бу ой сабр оийдир. Сабрнинг мукофоти эса жаннатдир», деганлар. Муқаддас динимиз савоб ишларни саломига қараб эмас, балки самимийлигига қараб мукофот берилишини ваъда қилган. Бизга арзимас туюлса-да, лекин замирида улут ажрлар мужассам ишлар бисёр. Хусусан, бугун одамлар орасида тобора тақдирлашиб бораётган ширинсузли бўлишга динимиз амр этади. Улут зотлар: «Инсон молу дунёси билан яхшилик қилмоқчи бўлса, бойлиги бир қунда тутаб қолмиши мумкин. Аммо унда бир ҳазина бор. Қанча сарфлангани билан тугамайди. У — ширин сўзлар», дейишди. Онда ёки инсонлар орасидаги нохушликларга кўпинча биргина кўпол сўз сабаб бўлади. Кўплаб муваффақиятларнинг омилли эса ширин сўзлар. Шунинг учун ҳар бир инсон ширинсуз, мулойим бўлишга интиломи лозим. Аллоҳ таоло: «Баъдаларимга айтинг, (ширк аҳлига) гузал (сўзлардан) сўзласинлар. Зеро, шайтон уларнинг ўрталарида бузғунчилик қилур» (Исро, 53), деб огоҳлантирган. Ушбу оятда Аллоҳ таоло мусулмонларни ўзаро муносабатларида, суҳбатларида ширинсузли бўлишга буюради. Агар улар буйруққа итоат этмай, ёмон сўзларни ихтиёр қилсалар, албатта, шайтон улар-

нинг ораларини бузади. Тил инсоннинг жисман энг кичик, аммо масъулият ва вазифаси жиҳатидан залворли аъзосидир. Уни фақат хайри, яхши муомалада ишлаштириш ва ёмон, дилдор сўзларни айтишдан сақлаш лозим. Расулуллоҳ (с.а.в.) тили ноҳуя сўзлардан асрашга, имкон қадар сукут сақлашга буюриб: «Ким Аллоҳ таолога ва охират кўнига имон келтирган бўлса, фақат яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин», дея марҳамат қиладилар. Ислом динида тилга бу қадар катта эътибор берилишининг боиси, тилнинг қалбага яқинлигидир. Қайси бир инсоннинг қалби пок ва соф бўлса, унинг тилидан бол томиб, ширин гаплар чиқади. Бундай кишиларнинг дўсти ҳам кўп бўлади. Тил ва қалб уртасидаги узвий боғланиш ҳақида Расулуллоҳ (с.а.в.): «Баъданнинг имони тўғри бўлмайдиган, токи унинг қалби тўғри бўлмагунча, шунингдек, қалби тўғри бўлмайдиган, токи унинг тили тўғри бўлмагунча», деганлар. Динимизнинг «Ниятлар — амалларга қўра», деган олтин қондиси бутун тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Тил орқали содир қилиниши мумкин бўлган гийбат, чақимчилик, тўхмат ва ёлгон гувоҳлик бериш каби иллатлар билан инсонлар уртасидаги меҳр-муҳаббат ришталарига дарз кетishi мумкин. Яхши муомала барча инсонларнинг кўрки ва зийнати оширади. Қаерда ҳусни муомала бўлмаса, уша ердан барака кўтарилади. Таъкидлашни истардикки, инсон бошқаларга берадиган насиҳатига, аввало, ўзи амал қилиши лозим. Тил хоҳлаган тарафга бурилади. Тил тўғрисида не бир қалблар орому ҳузур топиб, қўвончга тўлса, аксинча, у не бир қўнғилларини вайрон қилиши мумкин. Хуллас, мағфират ва раҳмат оий — моҳи Рамазондаги ширинсуханлик ҳар қандай дарду мусибатга даво, яраланган қалбларга малҳам, ўқисқ дилларга юпанч бўлади. Бунинг акси эса, масрур қалбни гамили, тик бошни энг, ҳуш кайфиятини тушқунликка туширади.

Азимжон АЛИМЖОНОВ, Олмалик шаҳар бош имом-хатиби.

ФАОЛЛАР НИГОҲИДА БОЛАЛИКНИНГ БЕГУБОР РАНГИ



Боғчага бир бола хархаша қилиб, яна бири чопқиллаб боради. Мухими, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланган болакайлар бийрон, киришувчан, топқир ва зукко бўлиб улғаяди.

Ҳозирги кунда жойларда мактабгача таълим муассасаларида болажонларни қамраб олиш, ушбу даргоҳда таълим-тарбия сифатини оширишда «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигининг йўлга қўйилгани долзарб аҳамият касб этаёттир. Яқинда Гиждувон тумани Бобур номидаги маҳаллада жойлашган 14-сонли «Булбулча» мактабгача таълим муассасасида тумандаги мактабгача таълим муассасалари, маҳалла фаоллари, мактаб ўқитувчилари ва ота-оналар иштирокида семинар бўлиб ўтди. Унда «Энг яхши боғча», «Энг яхши гуруҳ», «Уйинчоғим — овуинчоғим» кўрик-танловлари ўтказилиб, тўғрақарак фаолияти урганилди. Болаларнинг шўх қўшиқ ва рақслари ота-оналар, тарбиячилар қалбига бегубор туйғуларни олиб киргани аниқ. Айниқса, боғчада қўғирчоқ театри томошаларининг саҳналаштирилгани, тарбияланувчиларнинг қаҳрамон-кўйричоларга мос овозда гапириши ва юз ифодаларини ухшатишлари йиғилганларга завқ бағишлади. Тарбиячилардан Ойгул Комилова, Азиза Адизова, Дилбар Аҳмедова, Мухлиса Каримова болаларнинг билими ва иқтидорини шакллантиришда жонбозлик кўрсатиб келишаёттир. Ошхонада тайёрланаётган таомларнинг сифатини маҳалла фаоллари назорат қилиб боришади. Ошпазларнинг меҳнати барчага манзур. Мактабгача таълим муассасасида турли спорт тўғрақларининг ташкиллаштирилгани маҳалла болаларининг соғлом ўсишида муҳим омил бўлаёттир. Жумладан, бадиий гимнастика тўғраги фаолиятининг йўлга қўйилиб, унда турли машғулотлар олиб борилаётгани кичкин-

МУРУВВАТ Қалбга қувонч, дилга шодлик бағишлаб

Хива туманидаги Мурувват уйда вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви, «Камолот» ЕИХ вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбир қалбларга қувонч, дилларга шодлик бағишлади.

Унда сўзга чиққан Хива тумани ҳокими, Олий Мажлис сенати аъзоси Д.Аллақулиев халқимиз мустақиллик туйғулари ўз қадр-қиммати, ор-номуси, гурурини англаб етгани, истиқлол юртимизда яшайётган миллати, тили, динидан қатъи назар барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлагани, аҳоли иқтимоий муҳофазаси устувор вазифа қилиб белгиланганини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, мустақилликнинг йлг кунларидан бошлаб Юртобшимиз раҳнамолигида «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон ва унинг манфаатлари учун» гоёси асосида амалга оширилаётган сатй-ҳаракатлар халқимизнинг эзгу орзу-интилишларини инфодаламоқда. Бу йўлда даража қадамлар ташланаётгани юртимиз ободлиги, турмушимиз лиғда яққол намоён бўлаёттир. Мамлакатимизда аҳоли иқтимоий муҳофазаси доимий эътиборда эканини бизнинг даргоҳ миқдоди ҳам кўриш мумкин, — дейди Мурувват уйи директори Темурубек Бобожонов. — Яқинда вилоят ҳокимлиги томонидан бинимиз қайта таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан та-

Абдулла САФОЕВ «Mahalla»

ХУНАРДАН УНАР МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ КЎЗГУСИ

Халқ амалий санъати, хунармандчилик йўналишлари истиқлол йилларида тараққийётган янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимизда ушбу ноёб меросни асраб-авайлаш, моҳир усталар яратган услуб ва мактабларни янада такомиллаштириш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Пойтахтимизда жойлашган «Абулқосим» мадрасасида фаолият юритаётган Анвар Исроилов қарийб чорак асрдан бери, энг қадимий, милалий ва замонавийликни ўзида жамланган хунар турларидан бири — миниатюра санъати билан шуғулланади. У чизган суратлардаги ранг-тасвир уйғунлиги кишини ҳайратга солади. Ҳар бир буюмдаги кичик бир ифода ҳам, тарихий шахслар тасвири ҳам гўёки жонлидек туюлади. — Бу ерда иш бошлаган пайтларим ун нафар хунарманд бор эди, — дейди уста Анвар Исроилов. — Бугун сафимиз кенгайди, юртимизнинг турли ҳудудларидан йиғилган уч юздан ортиқ уста ижод билан банд. Айниқса, мадраса



Дарҳақиқат, хунар бу — ҳазина. Хунармандчилик буюмлари оддий маҳсулот эмас, балки халқимизнинг анъаналари ва қадриятларини ўзида мужассам этган бетакрор меросдир. Дилдора ҚАРШИБОВЕВА.

Марзия ФАТТОНОВА.

МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ

ОР-НОМУС, ГУРУР ВА БАҒРИКЕНГЛИК ТИМСОЛИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

миз ҳам манамен, деган чемпионларга муносиб рақиб эканини кўрсата олади.

Халқ сайиллари, умум-халқ байрамлари ва тўй-томошаларда ўтказиладиган курашларга ҳеч эътибор берганмисиз? Курашда енгилган аксининг орига укаси даврага чиқаверади. «Рақиб полвоннинг вази мендан оғир», деб ўйламайди. Худди Алломишдек: «Ё бобомнинг пири», деб билан шимаради. Муҳими, уртага тикилган орномусни, гурурни сақлаш учун даврага қиради. Зеро, ўз оиласи орини ҳимоя қилган одамгина маҳалла-қўйнинг, юртнинг шаъни-шавкатини кўтара олади.

— Бир гал Туркманистонга бориб катта тўйда курашга тушдим. Ишонасизми, 16 нафар полвон билан олишиб, барчасини енгдим. Тўйдан сунг одамлар биз тушган автобусни ўраб олишди. «Шу мард, паҳлавон ўғлигини бизга қодиринг, кам қилмаймиз. Биз ҳам ўз элимизда шундай зўр полвонимиз бўлишни хоҳламиз. Йўқ деманг!» Табиийки, бу таклифга на мен, на отам рози бўлдим, — деб хотирлайди машҳур спортчи, кураш бўйича жаҳон чемпиони Маҳтумқули Маҳмудов.

— Отам ётиги билан: «Биронимизда бир неча халқаро турнирлар голиби, кураги ерга тегмаган номдор полвон Нурмуҳаммад Юсупов истиқомат қилади. Бугун бу кишидан курашнинг нозик жиҳатларини ўрганиб, Осиё ва Жаҳон чемпиони бўлган полвонларни санасак, баромимиз етмайди. Шу боис тўйларда ўтказиладиган курашларда маҳаллий ёшларлар мунтазам шугулланади. Йигинимизда бир неча халқаро турнирлар голиби, кураги ерга тегмаган номдор полвон Нурмуҳаммад Юсупов истиқомат қилади. Бугун бу кишидан курашнинг нозик жиҳатларини ўрганиб, Осиё ва Жаҳон чемпиони бўлган полвонларни санасак, баромимиз етмайди. Шу боис тўйларда ўтказиладиган курашларда маҳаллий ёшларлар

дарлар, тўғри тушунинг, менда зарра ихтиёр йўқ. Маҳтумқули менинг полвоним эмас, у Сурхондарёнинг, Ўзбекистоннинг полвони», — деб тушунтиргандилар ушанда.

Миллий қадриятлар ҳам мазмунан бойиб, асрлар давомида янада сайқаланиб, авлодларга етиб бораверади. Бироқ ҳар қандай замон ва маконда ҳам идизи сувдан узилмаган ниҳоллар ҳаммаша куртак ёзиб, кукка буй чўзиб, ҳосил бераверади. Эҳтимол бугун кураш билан шугулланаётган барча бола ҳам муҳир полвон сифатида ном қозонмас. Бироқ ҳаёт тарзини соғлом турмуш тамойиллари асосида шакллантиради, жисмонан бақувват, маънан етук, энг муҳими, иродали инсон бўлиб камол топади.

— Ўзбек миллий кураши энг гўзал, энг нафосатли спорт тури сифатида дунёда қадрланади, — дейди машҳур полвон ва мураббий Нурмуҳаммад Юсупов. — Бир пайтлар майдонга тушганимизда ўзимизнинг «кураш», «таъзим», «тўхта», «ёнбош», «чала», «дакки», «ҳало» сингари ўзбекча сўзларнинг ҳам жаранглашини, курашимиз халқаро майдонга чиқишини истар эдик. Истиқлол туфайли бу орзу-

ларимиз ушладди. Бугун дунёдаги турли миллат вакиллари билан иборат ҳакамлар тилидан бу каби иборалар баралла янграши қалбимизни қувончга тўлдирмоқда. Энг муҳими, ёшларнинг ушбу спорт турига нисбатан қизиқиши ортиб бораётир. Бунда, албатта, маҳаллалар уртасида ўтказиб келинаётган «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақасининг аҳамияти катта. Шахсан ўзим ҳам мусобақаларда ўтган йилгига нисбатан 20 мингдан зиёд ёш полвон қатнашмоқда. Бу ўзбек миллий курашининг ўсмир-ёшлар уртасида тобора оммалашиб бораётганидан, мусобақанинг кейинги босқичлари ниҳоятда қизгин тус олишидан далолатдир.

Нурилла ЧОРИЕВ «Mahalla»

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ



Мамлакатимиз банкларида кредит сиёсатининг устуворлиги натижасида молия муассасалари капиталлашув даражаси ва депозитлари ҳажми ўсиб, банк актив операциялари ортмоқда, кредитлаш имкониятлари янада кенгаймоқда.

Жумладан, «Агробанк» ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси шаҳар ва туман филиаллари томонидан жорий йилнинг 1 июль ҳолатига қўра, барча молиялаш манбалари ҳисобидан деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 23,7 млрд. сўм миқдоридagi кредитлар ажратилди. Аҳамиятлиси, кредитлаш натижасида 442 киши муқим иш жойига эга бўлди.

Бошқарма томонидан деҳқон ва фермер хўжаликлари чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчиликни ривожлантириш учун қўлаб кредит маблағлари ажратилган аҳолини сифати ва ҳамёнбоп маҳсулотлар билан таъминлаш имконини бераётир. Банк кредитлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар натижасида ҳудудда турли sanoat тармоқлари ривожланиб, ишлаб чиқариш миқдори ўсмоқда. Бу эса қўлаб янги иш ўринлари яратилиши, аҳоли турмуш лиги юксалишига оми бўляпти.

Имтиёзли кредитлар аҳолининг ишбилармонлик салоҳиятини юзага чиқариб, кишиларни ташаббусга ундаётгани янада қувонарли. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида қорамолчиликни ривожлантиришга 1,5 млрд. сўм, паррандачилик тармоғини кенгайтириш мақсадларига 172 млн. сўм, балиқчилик истиқболлари учун 265 млн. сўм, асаларичилик учун 40 млн. сўм банк кредитлари ажратилгани фикримиз исботидир.

Банкнинг Чиноз филиали мижози, «Оловиддин» фермер хўжалиги раҳбари Шўҳрат Сатторовнинг истиқболли лойиҳаси — зотли чорва моллари етиштириш учун 200 млн. сўм миқдорида кредит эвазига 8 та янги ишчи ўрни ташки этилди.

Янгибозорлик «Маҳмудбек» фермер хўжалиги раҳбари Баҳромжон Раҳимовга сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш учун хориждан ускуна сотиб олишга 84,7 млн. сўм миқдоридаги кредит ажратилди. Фойдали маҳсулотнинг арзон нархларда аҳоли дастурхонига етказилаётганидан ташқари,

«Маҳмудбек»да 12 нафар киши меҳнатга жалб этилган айни муддао бўлди.

Ҳар қандай соҳага янгиликлар жорий этиш, технология ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш, шубҳасиз, улкан муваффақиятларга гаров бўла олади. Интенсив боғдорчилик ҳамда томорқачиликни ривожлантириш мақсадлари учун банк филиаллари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда аҳолига куп миқдорда кредит маблағлари ажратиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган олти ойида банк томонидан интенсив боғдорчиликка 248 млн. сўм, томорқадан унумли фойдаланиш мақсадида турли уруғлар, уғитлар сотиб олиш учун 695 млн. сўм кредитлар ажратилгани турфа ноз-неъматларнинг тўқинлигини таъминлаши тайин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шаҳар ва туман аҳолисини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлақонли таъминлашга қаратилган 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиритишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги «Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиритишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бошқарма томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган даврида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчиларга 7,1 млрд. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга 5,1 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Банкнинг Паркент филиали мижози «Туронбек Bahodir Fayz» масъулияти чекланган жамияти шундай имкониятга эга корхоналардан. Жамиятга кир ювиш кукунини қадоқлашни йўлга қўйиш учун 238,7 млн. сўмлик кредит ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўз тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришига кўмаклашишда «Агробанк» томонидан қўлаб

хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бошқарма жамоасининг ёшларга асосий эътиборни қаратиши туфайли касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг кичик бизнесга жалб қилиниши фаллашди. Айниқса, қишлоқ жойларида ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига тортишда кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ўқув-семинарлари ташкил этилди. Бу ишларнинг самараси улароқ аксарият ёшлар кичик бизнес билан шугуллана бошладилар. Ёшларнинг истиқболли лойиҳалари банк кредитлари орқали қўлаб-қувватланиши йигит-қизларнинг тадбиркорлик қирраларини кашф этиб, банк муассасаларига ишончини кучайтираётир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан 1,019 млрд. сўм кредит ажратилди. Бунинг натижасида 125 та иш ўрни яратилди.

«Агробанк»нинг Гулбахор филиали мижози «Шаҳноза Азизбек» маъмулияти чекланган жамияти раҳбари Азизбек Қўчқоровга хизмат кўрсатиш ва сервис хизматини ташкил этиш мақсадлари учун 50 млн. сўм кредит ажратилди. Ёш тадбиркор кредит ҳисобидан йўлга қўйган бизнесига 6 нафар тенгдошини жалб этди.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент вилоятида йirik sanoat корхоналари бисёр. Уларнинг барқарор фаолият юритиши, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариши мамлакатимиз иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга, ҳудуддаги аҳоли турмуш лиги ҳам хизмат қилади. Буни чуқур англаган банкнинг Тошкент вилояти бошқармаси ва филиаллари бундай корхоналарни доимий равишда молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтириши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан жорий йилнинг ўтган даврида 17,4 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Натижада ҳудудда бир қанча sanoat корхоналари иш бошлаб, 280 та янги иш ўрни ташки этилди.

Хулоса қилиш мумкинки, «Агробанк» ОАТБ жамоаси мамлакатимиздаги кулай иқтисодий муҳитни янада барқарорлаштириш, молия-банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, sanoat тармоқларини модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, энг асосийси, мижозлар ва ҳамкорлар ишончини оқлаш йўлида тинимсиз изланишда давом этмоқда.

Ю.ҲОЖИЕВА «Mahalla»

— Маҳаллаимизда кураш фақат спорт тури эмас, балки аждодларимиздан мерос азалий қадрият сифатида ҳам қадрлидир. — дейди Қоракўл тумани Қораун қишлоқ фуқаролар йигини раиси Уктам Саидов. — Бизда бола илк қадам ташлаганиданоқ курашга ўргатилади, ёшун қари кураш билан

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — 2013» Республика босқичига йўланма

«Футболмиз келажаги» республика кубоги баҳсларининг Тошкент шаҳар босқичи қизгин ва муросасиз курашларга бой тарзда ўтди.

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» стадионида бўлиб ўтган учрашувлардан сунг барча ёш тоифасидаги голиб совриндорлар номи аниқланди. Ўз тенгдошлари орасида биринчи ўринни эгаллаган жамоалар мусобақанинг республика босқичига йўланма олишди.

Дастлабки йўланмага 9-10 ёшли футболчилар уртасидаги баҳсда галаба қозонган Бектемир тумани Хусайн Бойқаро номидаги маҳалла жамоаси эга бўлди. Республика босқичининг 11-12 ёшлилар уртасидаги беллашуварларида Тошкент шаҳри шарафини Ялкасарой туманидаги «Қўшбеги» маҳалласи ёшлари ҳимоя қиладиган бўлди. Учтепа туманининг «Бешқайроғоч» маҳалласи ёшлари эса 13-14 ёшли ўсмирлар орасида тенгсиз деб топилиб, кейинги босқичга йўланма олди.

Беллашувар якунида тантанали тақдирлаш маросими ташкиллаштирилди. Маросимда сўз олганлар ёш футболчиларни муваффақият билан қўлаб, уларга келгуси учрашувларда ҳам омад тилашди.

Э.ЖУМАНОВ «Mahalla»



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.



2013 йилнинг 22 июлда

Moody's investors service халқаро рейтинг агентлиги

«Асака» Давлат-Акциядорлик Тижорат Банкнинг

рейтингини тасдиқлади

Барча рейтинглар истиқболли «БАРҚАРОР»

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ Телефонлар: 236-53-93 233-39-89 236-53-75 236-57-62 Факс: 233-10-73



Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ. Саҳифаловчи: Л.Мейликов Мусаҳҳиж: Н.Азимова Навбатчи: Ю.Ҳожиёва Нашр навбатчиси: Б.Ҳалимов Нашр курсаткичи: 148

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй Индекс: 100083 «Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.